



20<sup>24</sup>-y. "06"-05

03/1-<sup>569</sup>-son

Тадбиркорлик субъектлари  
раҳбарларига  
(рўйхат бўйича)

**ТАКЛИФНОМА**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси Давлат эҳтиёжлари учун энг яхши таклифларни ёпик усулда танлаб олиш йўли билан қуидаги озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган шартларда харид қилишини маълум қиласди:

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: 100084, Ташкент ш., Ҳалқабод кўчаси, 17А-уи.

Харид комиссиясининг ишчи гурухи: Д.Д.Ибрагимов, С.Д.Ханкелдиев, тел.: +99871-238-75-78, +99871-238-75-76.

Манзил: 100084, Ташкент ш., Ҳалқабод кўчаси, 17А-уи.

Танлаш иштирокчилари томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт: 2024 йил 14 марта, Тошкент вақти билан соат 18<sup>00</sup>.

Маҳсулот номи	Бошланғич нарх ҚҚС билан 1 тн учун (сўм)	Миқдори тн.да	Умумий нарх ҚҚС билан (сўм)
Сигир сутидан олинган тузланмаган сариёғ ёғлилиги 82,5%дан кам бўлмаган сариёғ, ГОСТ 32261:2013	65 000 000,0	<u>200,0</u>	13 000 000 000,0

**Етказиб бериш шартлари - Буюртмачининг омборига:**

1. "Илгор" ДК, Самарқанд в., Пасторғом тум., Жума шаҳри, Тинчлик кўчаси 54 уй, Жума станцияси, станцияси коди 728106;

Иштирокчиларнинг таклифлари маҳсулотнинг бутун ҳажми учун қабул қилинади.

Таклифларни таъминлаш учун иштирокчи Ўздавзахиранинг ҳисоб рақамига закалат тарзида харид предметининг бошланғич нархи жами суммасининг 1% (130 000 000,0 сўм) миқдорида тўланади.

АТИБ "Ипотека банк" Тошкент ш., Мехнат бўлими, х/р 20203000400101000001,  
МФО 00423, СТИР 201059473, ОКЭД 84111

Тўлов шартлари: Шартнома имзолангандан сўнг “СОТУВЧИ” 5 (беш) иш кун ичида “ХАРИДОР” ҳисоб рақамига шартноманинг умумий қийматининг 3,75% фоиз микдорини шартномани бажариш гарови (Performance Bond) сифатида тўловни амалга ошириши шарт.

Гаров пули тушгандан сўнг 15% (ўн беш) олдиндан тўлов амалга оширилади, колган 85% (саксон беш) тўлов эса ҳақиқатда етказиб берилган маҳсулот ҳажми бўйича амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш санаси, Буюртмачининг омборида қабул қилиш далолатномасининг расмийлаштирилган санаси ҳисобланади.

Маҳсулотни етказиб бериш учун транспорт ва бошқа харажатлар етказиб берувчи томонидан тўланади.

Етказиб бериладиган маҳсулот 2024 йилда янги ишлаб чиқарилган ҳамда буюртмачининг омборига келиб тушган куни ишлаб чиқариш муддати Сигир сутидан олинган тузланмаган сариёғ ёғлилиги 82,5%дан кам бўлмаган сариёғ маҳсулоти 1 ойдан ошмаган бўлиши лозим;

Маҳсулотлар белгиланган тартибда тасдиқланган санитария меъёрлари, қоидалари ва нормативларига риоя қилинган ҳолда технологик йўриқномаларга ва меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши ва қадоқланиши керак.

Маҳсулот етказиб берилганда ветеренария хулосаси, санитария-эпидемиология хулосаси ва Мувофиқлик сертификати тақдим этилиши шарт.

Етказиб бериладиган товарлар сифат кўрсаткичларининг норматив хужжатларга мувофиқлиги юзасидан лаборатория таҳлиллари ўтказилади.

Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун қўйидаги хужжатларни тақдим этиши керак:

- закалат маблағларини тўлиқ микдорда ўтказиб берганлиги тўғрисидаги тўлов топширқнома нусхаси;
- ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида ДСИнинг маълумотномаси;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот;
- корхонанинг охирги йиллик баланси;
- танлаш бўйича тижорат таклифи (таклиф этилган маҳсулот номи, ҳажми, нархи ва етказиб бериш муддатлари кўрсатилган бўлиши керак).

Тижорат таклифлари комиссия йиғилишида танловда иштирок этган корхоналарнинг вакиллари иштирокида кўриб чиқилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Сизни, Давлат эҳтиёжлари учун юқоридаги маҳсулотларни етказиб бериш бўйича ўтказиладиган танлашда иштирок этишга таклиф қиласиз.

Илова: Харид қилиши хужжатлари

Хурмат билан,

Раис

М. Курбанов

## **Ёпиқ танлашни ўтказиши тартиби**

Танлашни ўтказиши тартиби ва баҳолаш мезонлари барча учун бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлмаслиги лозим.

Танлашни ўтказиши учун талабгорлар харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Талабгорнинг тақдим қилган ҳужжатларининг талабга мос эканлигини харид комиссиясининг ишчи гурухи томонидан ўрганилади.

**Кўйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга йўл қўйилмайди, таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди:**

- Танлаш учун зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида топширмаган иштирокчилар;
- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;
- буортмачига нисбатан суд ёки арбитраж муносабатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган иштирокчилар;
- соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;
- манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;
- Ўздавзахира билан аввал тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган иштирокчилар (агар имзоланган бўлса).

Танлаш натижалари харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Танлаш таклифларини баҳолаш ва Танлаш ғолибини аниқлаш Танлаш ҳужжатларида белгиланган усулда кетма-кетлик, тартиб, мезонлар асосида амалга оширилади.

Танлаш ғолиби аниқлангандан сўнг Ғолиб ҳамда захира ғолиби тақлиф этилган Етказиб бериладиган товарлар сифат кўрсаткичларининг норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан лаборатория таҳлиллари ўтказилади ҳамда намуналари тўлиқ ГОСТ 32261:2013 ва сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича умумий техник регламент (ПҚМ 07.07.2017 йил 474-сон) талабларига мувофиқ деб топлиган намуналарни тақдим этган иштирокчи билан шартнома расмийлаштирилади.

**КАТИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ** - етказиб бериладиган сариёф таркибида ҳайвон ёғи, ёғлар ва ўсимлик мойларини (шу жумладан палма ёғини) ишлатиш.

**ОГОХЛАНТИРИШ** - етказиб бериладиган товарлар сифати мувофиқлиги ваколатли органларда тўлиқ экспертизадан ўтказилади - ГОСТ 32261:2013 ва сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича умумий техник регламент (ПҚМ 07.07.2017 йил 474-сон).

Етказиб бериладиган товарлар сифат кўрсаткичларининг норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан лаборатория таҳлиллари ўтказилади.

Танлаш тақлифи қонун ҳужжатлари ва Танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, тегишли тартибда расмийлаштирилган деб ҳисобланади. Харид комиссияси ишчи гурухи иштирокчининг Танлаш тақлифини тегишли равишда ёки лозим даражада расмийлаштирилмаган деб топиши тўғрисидаги қарори бундай

қарорнинг сабабларини асослаган ҳолда харид комиссияси томонидан тасдиқланиши керак.

Иштирокчининг Танлаш таклифининг талабларга мос келмаслиги тўғрисидаги қарор, унинг сабаблари кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кунда иштирокчига ёзма равишда юборилади.

Харид комиссияси Танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифлари юзасидан тушунтиришлар талаб қилиши мумкин. Ушбу процедура электрон шаклда амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятини, шунингдек, нархини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати Танлаш таклифлари берилган кундан бошлаб 45 (қирқ беш) иш кунидан ошмаслиги керак.

Танлашда иштирок этиш учун таклиф давлат тилида ва заруратга қараб бошқа тилларда тузилади.

Танлаш ўтказишида иштирокчилар ўз Танлаш таклифларини конвертлар кўринишида Буюртмачига ёпик Танлаш тўғрисидаги таклифномада кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

Тижорат таклифлари комиссия йиғилишида танловда иштирок этган корхоналарнинг вакиллари иштирокида кўриб чиқилади.

Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа хужжатларни тақдим этишлари мумкин.

Танлаш таклифларини очишнинг охирги муддати тугагунга қадар уларни Танлаш иштирокчилари, шу жумладан ишчи орган ва харид комиссияси аъзолари кўришига йўл қўйилмайди, ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи бундан мустасно. Буюртмачи ушбу талабга риоя қилиш учун жавобгардир.

Ёпик Танлаш иштирокчиси:

- битта лот бўйича фақат битта Танлаш таклифини тақдим этиш хукуқига эга;
- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгардир;
- таклифларни тақдим этишнинг охирги муддати тугагунга қадар тақдим этилган Танлаш таклифини қайтариб олиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш хукуқига ега.

Танлаш таклифларини қабул қилиш таклифномада кўрсатилган муддат ва вакт бошланиши билан тугатилади.

Танлаш хужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқсан ҳолда харид комиссияси ғолибни аниқлайди:

Захира ғолибини аниқлаш ушбу бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Танлаш қуидаги ҳолларда ўтказилмаган деб топилади:

- Танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса;
- агар харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф Танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ келса.

Танлаш таклифларини кўриб чиқиш натижалари бўйича ишчи гуруҳ харид комиссиясининг мажлисларининг баённомаларини шакллантиради ва уларни харид комиссияси аъзоларига тасдиқлаш учун юборади.

Танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан кейин давлат буюртмачисига Танлаш натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидаги Танлаш иштирокчисига чат, хат, факс ёки электрон почта орқали тегишли тушунтиришларни тақдим этади.

## 1. Баҳолаш мезонлари

№	Мезон	Изоҳ
1.	Закалат маблағларини тўлиқ миқдорда ўтказиб берганлиги тўғрисидаги тўлов топширқнома нусхаси ёки Қўмита ҳисоб рақамидан кўчирма	
2.	Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома	
3.	Соликлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида ДСИнинг маълумотномаси	
4.	Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот	
5.	Корхонанинг охирги йиллик баланси	
6.	Танлаш бўйича тижорат таклифи (таклиф этилган маҳсулот номи, ҳажми, нархи ва етказиб бериш муддатлари кўрсатилган бўлиши керак)	Мавжуд бўлмаса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

## 2. Таклифларни нарх жиҳатдан баҳолаш

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Энг паст нарх	Энг паст нарх энг юқори баҳоланади. Энг юқори нарх энг паст баҳоланади.	Таклифларни баҳолаш комиссия томонидан амалга оширилади.

**“Сигир сутидан олинган, ширин қаймоқли, тузланмаган сариёғ, ёғлилиги 82,5% дан кам бўлмаган сариёғ” маҳсулоти техник топширик**

Маҳсулотларни етказиб бериш бўйича таклифлар лотнинг бутун ҳажмига 200,0 тонна миқдорида тақдим этилади.

**Маҳсулотни харид қилиш мақсади:** Ўзбекистон Республикаси давлат захираларини шакллантириш.

**Маҳсулотни харид қилиш асоси:** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат захираларини бошқариш кўмитасининг 2024 йил 12 январдаги бўйруғи.

**Етказиб бериш ва Қабул қилиш жадвали**

Шартномани бажариш жадвалига қуйидаги тадбирлар киритилиши керак:

а) Етказиб берувчи томонидан маҳсулот алоҳида партияларда, темир йўл ёки автомобил транспортида Буюртмачининг қуйидаги манзилга амалга оширилади.

<b>Сигир сутидан олинган тузланмаган сариёғ ёғлилиги 82,5%дан кам бўлмаган сариёғ, ГОСТ 32261:2013</b>	етказиб бериш муддати “буюртмачи” биринчи олдиндан тўловни амалга оширгандан кейин 120 кундан кечиктирмай. жами: <b>200,0 тонна.</b>			
	Биринчи ой	Иккинчи ой	Учинчи ой	Тўртинчи ой
	50,0 тонна	50,0 тонна	50,0 тонна	50,0 тонна

Маҳаллий етказиб берувчилар учун товарларни етказиб бериш барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилувчининг омборига етказиб берилиши керак, суғурта талаб этилмайди:

Юк қабул қилувчи: “Илфор” ДМ: 140502, Самарқанд вил., Жума ш., Тинчлик кўчаси 54, Жума темир йўл станцияси, Станция коди 728106.

Хорижий иштирокчилар учун – Хорижий етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар) томонидан етказиб бериладаган товралар нархлари INCOTERMS - 2010 бўйича CIP – Самарқанд (Жума темир йўл станцияси шартларига асосланиши керак).

Иштирокчиларнинг таклифлари ҳар-бир маҳсулот турининг бутун ҳажми учун қабул қилинади.

**Иштирокчилар танловда иштирок этиш учун қуйидаги хужжатларни тақдим этиши керак:**

- ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида ДСИнинг маълумотномаси;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот;
- корхонанинг охирги йиллик баланси;

- танлаш бўйича тижорат таклифи (таклиф этилган маҳсулот номи, ҳажми, нархи ва етказиб бериш муддатлари кўрсатилган бўлиши керак).

Тижорат таклифлари комиссия йигилишида корхоналар иштирокида кўриб чиқилади.

Тўлов шартлари: Шартнома имзолангандан сўнг “СОТУВЧИ” 5 (беш) иш кун ичida “ХАРИДОР” ҳисоб рақамига шартноманинг умумий қийматининг 3,75% фоиз миқдорини шартномани бажариш гарови (Performance Bond) сифатида тўловни амалга ошириши шарт.

б) Маҳсулотни етказиб бериш санаси, Буюртмачининг омборида қабул қилиш далолатномасининг расмийлаштирилган санаси ҳисобланади.

в) маҳсулотни етказиб бериш учун транспорт ва бошқа харажатлар етказиб берувчи томонидан тўланади.

Агар тўлов Шартнома қоидаларига мувофиқ тўланмаган бўлса, етказиб берувчи жадвалда кўрсатилган муддатларни узайтиришни сўраши мумкин.

Шартнома бўйича барча мажбуриятлар бажарилгандан сўнг, ҳисоб-китобларни якуний қабул қилиш ва солиштириш далолатномаси имзоланиши керак.

Хорижий таъминотчиларнинг нарх таклифларини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юзага келадиган барча харажатлар (божхона харажатлари, маҳсулотлари сертификатлаштириш харажатлари, КҚС ва бошқалар) таклиф қилинган нархга қўшилади

## Техник шартлар

### Умумий

**КАТИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ** - етказиб бериладиган сариёғ таркибида ҳайвон ёғи, ёғлар ва ўсимлик мойларини (шу жумладан палма ёғини) ишлатиши.

**ОГОХЛАНТИРИШ** - етказиб бериладиган товарлар сифати мувофиқлиги ваколатли органларда тўлиқ экспертизадан ўтказилади - ГОСТ 32261:2013 ва сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича умумий техник регламент (ПКМ 07.07.2017 йил 474-сон).

Етказиб бериладиган товарлар янги ишлаб чиқарилган бўлиши керак, ишлаб чиқариш муддати етказиб бериш кунида 2 ойдан ошмаслиги ва узок муддатли сақлаш талабларига жавоб бериши керак - камида  $-25^{\circ}\text{C}$  ҳароратда - сақлаш муддати 24 ой бўлиши керак.

Сотиб олиш керак бўлган Сигир сутидан олинган тузланмаган сариёғ ёғлилиги 82,5% (дан кам бўлмаган) ишлаб чиқарилган. ГОСТ 32261:2013 ва белгиланган тартибда тасдиқланган санитария меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича умумий техник регламентга (07.07.2017 йил ПКМ 474-сон) мос келиши керак.

Сариёғ пастеризацияланган қаймоқдан ишлаб чиқарилиши керак.

Сигир сутидан олинган тузланмаган сариёғнинг органолептик ва физика-кимёвий кўрсаткичларга кўра ГОСТ 32261:2013 ва “Сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича умумий техник регламент” талабларига жавоб бериши керак (ПКМ 07.07.2017 йил 474-сон).

Ҳеч қандай консервантлар, антиоксидантлар ёки кимёвий қўшимчалар мавжуд эмас.

Юк ташиш вақтида ёғ монолитидаги ҳарорат минус 6 даражадан ошмаслиги

керак.

Қадоқлаш - сариёф зич монолитда ташиш контейнерига қадоқлаш керак - ГОСТ 13515 бүйича картон қутилар, ГОСТ 1341 бүйича пергамент А даражаси билан қопланган, нетто оғирлиги 10,0 ёки 20,0 кг, ГОСТ 10131 бүйича нетто оғирликдаги таҳта қутилар 24,0 кг ни ташкил қылади ва ортиқча юкларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, узок муддатли сақлашни ҳисобга олган ҳолда юкни ташиш пайтида ҳар қандай шикастланишдан сақланишини таъминлайди. Сариёф билан картон қутиларнинг клапанларининг бўғинлари ГОСТ 18251 бүйича қоғозга асосланган ёпишқоқ лента ёки ёпишқоқ қатламли полиетилен лента билан ёпиштирилган бўлиши керак.

**Таранинг маркировкаланиши унинг маркировкаланиши бўйича озиқ-овқат ҳавфсизлиги бўйича умумий техник регламентга мувофиқ бўлиши керак (ПКМ 490-сонли 07.12.2017), аниқ, ўчирилмайдиган бўёқ билан акс эттирилиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:**

- маҳсулот номи;
- ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили;
- сариёғни қадоқлаган корхонанинг товар белгиси ёки номи, ёки рақами;
- ишлаб чиқарилган сана;
- нетто оғирлик;
- сариёғнинг тури ва нави, ингредиентларнинг таркиби;
- 100 гр маҳсулотнинг озукавий ва энергия қиймати тўғрисидаги маълумот;
- яроқлилик муддати;
- сақлаш ҳарорати.

**Яшик/қутининг маркировкаланиши унинг маркировкаланиши бўйича озиқ-овқат ҳавфсизлиги бўйича умумий техник регламентга мувофиқ бўлиши керак (ПКМ 07.12.2017 йилдаги 490-сон).**

Кутининг ташқи тарафига қуйидаги ёзув қўлланилиши керак:

- импорт қилувчи фирма номи;
- ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили;
- маҳсулот номи;
- брутто, нетто оғирлик;
- қутининг серия рақами;
- ишлаб чиқарилган сана;
- яроқлилик муддати;
- ГОСТ 32261:2013 стандартининг номи;
- “Иссикликдан узоқроқ тутинг” («Беречь от нагрева») огоҳлантириш белгиси.

Ушбу маҳсулот учун ҳалқаро ташиш қоидаларига мувофиқ ташиш.

### **Товарларни сифат ва микдор жиҳатидан қабул қилиш.**

Етказиб берилган товарларнинг ҳар бир партияси учун қуйидагилар илова қилиниши керак:

- ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқарилган санасини кўрсатувчи сифат гувоҳномаси (сертификати);
- ваколатли орган томонидан берилган санитария-эпидемиология ҳulosаси;
- ваколатли орган томонидан берилган ветеринария гувоҳномаси;

- ваколатли орган томонидан берилган мувофиқлик сертификати;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ўраш плёнкаси учун мувофиқлик сертификати;
- гофрокартон учун мувофиқлик сертификати;
- аккредитация қилинган лабораториянинг синов баёни.

Ёғни сифат бўйича қабул қилиш қадоқлаш ҳолатини ташки текшириш ва етказиб берувчининг паспортида ва ёрлиқда кўрсатилган сариёғ сифати кўрсаткичларининг ушбу турдаги ёғ учун амалдаги стандарт кўрсаткичларига мувофиқлигини текшириш орқали амалга оширилади.

Сариёғ микдори бўйича қабул қилиш жойларни ҳисоблаш ва етказиб берувчининг спецификацияси билан қутидаги шаблон маълумотларини текшириш орқали амалга оширилади.

Товарларни сифат ва микдор бўйича қабул қилиш Етказиб берувчининг вакили иштирокида Юк олувчининг омборида амалга оширилади.

### **Сақлаш режими.**

Ширин-қаймоқли сигир сутидан олинган ёғи учун сақлаш камераларида ҳаво ҳарорати камида  $-25^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак. Совутгич камераларида нисбий намлик 85-90% даражасида сақланиши керак.

Сариёғни сақлаш корхоналарда сақлаш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади:

Узоқ муддатли сақлаш вақтида етказиб бериладиган сигир сутидан олинган ёғнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари ўзгармаслиги, ГОСТ 32261:2013, “Сут ва сут маҳсулотлари ҳавфсизлиги бўйича умумий техник регламент” (ПҚМ 07.07.2017 йилдаги 474-сонли) ва “Биринчи гурухга сариёғ етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 27.07.2013й. N 2492) талабларига жавоб бериши керак.

### **Функционал кафолат**

Функционал кафолатнинг амал қилиш муддати давомида - (камида 24 ой), тўғри сақлаш шароитида, ишлаб чиқарувчининг заводларида жўнатишдан олдинги синовларда йўл қўйилган ва аниқланмаган ишлаб чиқариш нуқсонлари аниқланган тақдирда, Буюртмачи дарҳол бу ҳақда хабардор қилиши шарт. Етказиб берувчи ушбу Кафолат доирасида юзага келган ҳар қандай даъволарни ёзма равища тақдим этади.

Етказиб берувчи Буюртмачидан функционал кафолат бўйича даъволар тўғрисида ёзма хабар олгандан сўнг, 30 (үттиз) кун ичida нуқсонли товарни ёки унинг бир қисмини Буюртмачига ҳеч қандай харажатларсиз алмаштириши ёки нуқсонли товарларнинг микдорни алмаштириш қийматини қоплаши шарт.